



MILLIY TIKLANISH

40 (153) 2011 йил 12 октябрь, чоршанба Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Тарих ва бугун учрашган кўприк

Мазкур маскан мавжуд музейлардан фарқли ўлароқ, ўзига хос кўриниш ва жозиба касб этган. Катта қуббали гумбаз остидаги баланд нақшинкор устунли айвон мажмуаси ўзбекиона лутф ва архитектурани ўзда намоён этади. Ҳовли саҳнидаги поклик рамзи бўлмиш фавворалар, нақшинкор эшиклар сари элтувчи зиналар ичкаридаги ўтмиш лаҳзалардан сўзловчи, сир-синоат оламидан кишини воқиф этаётгандек.



Янги уйларда ҳовли тўйлари

Сирдарё вилоятининг Оқ олтин, Сирдарё, Бобевот, Сардоба туманларида янги қиёфага эга турар-жойлар барпо этилди. Мирзаобод туманининг "Боғистон" маҳалласи ҳудудида ҳам ана шундай шинам ва кўркем, 61 та уй-жойлар қурилди. Катта йўл бўйидаги замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган янги турар-жой массиви туманимиз кўркіга кўрк, чиройига чирой бағишлади.



Қумлар қаъридаги кўҳна қалъалар

Икки азим дарё оралиғида жойлашган бу қутлуг заминдан етишиб чиққан улуг алломаларимиз, бобоқалонларимиз билан ҳар қанча фахрланасан арзийди. Кўҳна Хоразмнинг узок ўтмишига назар солсан, бепоян кум барханлари устида ҳамон қад кўтариб турган кўҳна қалъалар, буюк иншоотлар, меъморий обидалар минг йиллар оша воҳанинг қадим тарихидан сўзлаб тургандай.

2 ЖАРАЁН

6 НИГОҲ

8 КЎЗГУ

Эзгу ишларимизни изчил давом эттириш — доимий вазифамиздир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга ошириладиган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 11 октябрь куни Фарғона вилоятида бўлди

Фарғона вилояти ўзининг ер ости ва ер усти бойликлари, ривожланган саноат ва коммунал тармоқлари, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмалар, бой меҳнат ресурслари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Вилоятдаги мавжуд ана шундай улкан салоҳият истиқлол йилларида фаол ишга солиниб, эл-юртимиз манфаатлари йўлида хизмат қилмоқда.

Меҳнатсевар, меҳмондўст, дилкаш Фарғона аҳли мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришдек эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Истиқлол йилларида юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди ва бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчил давом этмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар янги қиёфа касб этиб, замонавий корхоналар, кенг ва равон йўллар, янги-янги таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари ва стадионлар, боғ ва хиёбонлар бунёд этилаётир.

Вилоятда жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 105,8 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли молла-

ри ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиши таъминланмоқда.

Давлатимиз раҳбари виллоятга сафарини Олтириқ туманидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узок муддат ва сифатли сақлашга ихтисослашган корхона фаолияти билан танишишдан бошлади.

Саховатли заманимиз ўзининг хуштаъм мевалари, сархил сабзавотлари билан оламга донг таратган. Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган туб ислохотлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жаҳон бозорларига чиқаришга кенг йўл очилгани фермер хўжаликлари даромадини янада оширишда катта имкониятлар яратмоқда.

Ўз фаолиятини 2010 йилнинг август ойида бошлаган мазкур корхонада 2 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлайдиган музлатгичлар ўрнатилган. Италиядан келтирилган замонавий технология билан жиҳозланган ушбу музлатгич муйан барқарор ҳароратни таъминлайди ҳамда мева ва сабзавот маҳсулотларини узок муддат сифатини бузмай сақлаш имконини беради. Бугунги кунда ушбу корхона ҳудудида фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни қабул қилиб олиш ва экспорт қилишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Давлатимиз раҳбари корхона фаолияти билан танишиш асосида юртимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мамлакатимизнинг ўзида қайта ишлашни янада кенгайтириш масаласига устувор вазифалардан бири сифатида қараш лозимлигини таъкидлади. Зеро, бундай маҳсулотларни қайта ишлаш ва хорижга экспорт қилиш деҳқонларимизнинг даромадини бир неча баробар ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳолининг даромад манбаларини кўпайтириш, валюта тушумини ошириш имконини беради.

Шу боис хориждан энг замонавий технологияларни келтирган ҳолда мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашга, қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги-янги корхоналарни ташкил этиш гоят муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз Учкўприк туманидаги "Файз" фермер хўжалиги далаларида илгор фермерлар билан мулоқотда бўлди. Юртбошимиз фермерлар наинки иқтисодий, ижтимоий, балки сиёсий ҳаётимизнинг ҳам таянчига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

2-бет

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 11 октябрь куни Оқсарой қароргоҳида АҚШнинг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Марк Гроссман ҳамда ГФР ҳукуматининг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Михаэль Штайнерни қабул қилди. Меҳмонлар Тошкентга Афғонистоннинг иқтисодий тикланишини қўллаб-қувватлашга қаратилган халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштириш борасидаги Америка-Германия ташаббуси доирасида ташриф буюришди.

Давлатимиз раҳбари, меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлиқни ўрнатиш борасида уларнинг зиммасига юкланган вазифанинг муҳимлиги ва масъулиятли эканини таъкидлади.

АҚШ ва ГФР вакиллари, ўз навбатида, давлатимиз раҳбарига қабул учун самимий миннатдорлик изҳор этиб, мамлакатимиз Афғонистон муаммосини ҳал этиш ва Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш жараёнига катта ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидладилар.

Мулоқот чоғида халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистонда умуммиллий ярашувга эришишдаги иштирокига оид масалалар ҳамда Ўзбекистоннинг Америка Қўшма Штатлари ва Германия Федератив Республикаси билан ўзаро ва кўп томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантириш истиқболлари хусусида батафсил фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ХАБАРЛАР

«Янги авлод — 2011»

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг Хоразм вилояти босқичи Оғаҳий номидаги вилоят мусикали драма ва комедия театрида бўлиб ўтди.

Унда 400 нафарга яқин ўғил-қиз тасвирий ва амалий санъат, рақс, шеърят, миллий қолғу каби йўналишларда ўз истеъдод ва маҳоратларини синовдан ўтказишди. Олти йўналиш бўйича ўтган фестивалнинг вилоят босқичида энг юқори кўрсаткичларга эришган 16 нафар иштирокчи ва тўрт жамоа ғолибликни қўлга киритди.

Доимий қатнов бошланди

Тошкент-Самарқанд-Тошкент йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» электропоездининг мунтазам қатнови йўлга қўйилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясидан маълум қилишларича, «Afrosiyob» электропоезди ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари қатновни амалга оширади. Эҳтиёж ва талабдан келиб чиқиб, кейинчалик қатновлар сони яна кўпайтирилади. Йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш, уларга юқори ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида шаҳар темир йўл вокзалларида замон талабларига мос хавфсизлик ҳамда хизмат кўрсатиш тизими яратилди. Электрон чипталарнинг жорий этилгани йўловчилар учун қулайлик яратибгина қолмай, уларнинг вақтини тежаш имконини ҳам беради.


Битирувчиларга дипломлар топширилди

Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти (СМРИ)нинг илк бакалаврлари ва магистрларига халқаро тоифадаги дипломлар топширилди.

Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этиладиган мазкур диплом сифати ва андозаси бўйича СМРИ томонидан бериладиган илмий даражага тенгдир. Институт Франция, Буюк Британия ва Австралиaning жаҳонда тан олинган Bradford, Wales, Southern Cross каби нуфузли университетлари билан ҳамкорлик ўрнатган. Институтда, шунингдек, соҳага оид турли илмий-амалий анжуманлар, видео-конференциялар, ўқув семинарлари, байрам дастурларини ташкил этиш аънана тусини олган.

(ЎЗА)

КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ



ЎЗМТДП — ДАСТУРИ АМАЛДА

Жаҳон шоҳсупасида Ўзбекистон спорти

НУFUЗИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА КўМАКЛАШИШ — ЎЗМТДПНИНГ СПОРТ СОҲАСИДАГИ АСОСИЙ МАҚСАДЛАРИДАН БИРИ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан «Жаҳон шоҳсупасида Ўзбекистон спорти нуфузини янада ошириш — Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг спорт соҳасидаги мақсадларидан бири» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партиянинг Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия кўмитаси, Халқаро кураш ассоциацияси, Олимпия спорт турлари федерациялари ходимлари, партия фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

3-бет

МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Тилимиз софликни талаб қилади

Журналистнинг асосий қуроли сўзudir. У қанча ўткир бўлса, иш шунча самарали бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Сўзни ўткир қилувчи кўлаб воситалар мавжуд бўлиб, уларни билиш — матбуот ходимлари учун жуда аҳамиятлидир. Шунингдек олиб, қундалик матбуот ва оммавий ахборот воситалари томонидан эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилаётган айрим хатоларни таҳлил қилишга уриниб кўрамиз. Ҳар соҳада бўлгани каби қудратли сўзда ҳам маҳорат ҳосил қилиш учун аввал нуқсонлардан холи бўлиш керак. Сўзни тўғри қўллаш ҳақида фикр юрттар эканмиз, объект сифатида ўзбек миллий журналистикаси олинди.

Шу кунларда баъзи радио эшитиришлар ва телекўрсатувларда айрим қўшимчаларни ўринсиз ишлатиш ва керак бўлган ўринларда уларни тушириб қолдириш ҳоллари юз бермоқда. Керак бўлмаган ҳолда ишлатиш кўп ҳолларда «-лар» қўшимчасидир. Масалан, «тўртта йигитлар ижро этди», «бу гуруҳдан ҳам бешта қизлар саҳнага чиқсин», «икки оналаримиз» сингари гап ва ибораларни кўрсатиш мумкин.

4-бет

«Milliy tiklanish» газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Эзгу ишларимизни изчил давом эттириш — доимий вазифамиздир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 11 октябрь куни Фарғона вилоятида бўлди

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати бераётган юксак самаралар қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлга киритилаётган янги-янги марраларда ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Бугунги кунда Фарғона вилоятидаги қарийб етти мингга яқин фермер хўжалиги пахтачилик ва галланиликдан ташқари, боғдорчилик, чорвачилик, полиз экинлари етиштириш билан шуғулланмоқда. Улар қишлоққа саноатни олиб кириш, янги иш ўринлари ташкил этишда ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Айни кунларда фарғоналик пахтакорлар етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиш чораларини кўрмоқдалар. Воҳиджон Мелиқўзиёев раҳбарлигидаги "Файз" фермер хўжалигида ҳам жорий мавсумда галла ва пахтачиликда юқори натижаларга эришилди. Хўжалик аъзолари 31 гектар ерга экилган гўзанинг "Султон" навидан 135 тонна ҳосил кўтариб, шартнома топиширини ошириб бажардилар. Олинган даромадга яраша хўжаликда меҳнат қилаётган ишчилар иш ҳақини кўпайтириш, уларни моддий қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари фаолияти фақат галла ёки пахта етиштириш билан чекланиб қолмаслиги кераклигини, улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш, шу орқали қишлоққа саноатни олиб кириш ва пировардида аҳоли фаровонлигини оширишда, қишлоқ ҳаётини тубдан ўзгартиришда етакчи кучга айланиши лозимлигини таъкидлади.

Ислон Каримов суҳбат чоғида гўзанинг вилоят тупроқ ва иқлим шароитига мос, тезпишар, сифатли тола берадиган янги навларини яратиш ва экиш масаласига алоҳида тўхталди. Қишлоқларимиз қиёфасини замонавий архитектура талабларига мувофиқ тубдан ўзгартириш, қишлоқ аҳолиси учун намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар юзасидан фермерларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Мазкур йўналишда олиб борилаётган эзгу ишлар пировардида одамларимизнинг дунёқарашини ўзгартираётгани, уларда яхши яшашга интилиш кучайиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Фарғона вилояти мамлакатимизнинг йирик саноат минтақаси ҳисобланади. Бугун бу ерда кўплаб йирик саноат корхоналари самарали фаолият кўрсатмоқда. Ўзининг иқтисодий салоҳияти, юқори сифатли маҳсулотлари, малакали кадрлари билан юксак нуфузга эга бундай корхоналар нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодиётида ҳам муҳим ўрин тутуда. Шунинг учун бундай ишлаб чиқариш мажмуаларини кўпайтириш, уларнинг самардорлигини ва қувватларини ошириш масаласи доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

Мисол учун, вилоятда энгил саноатни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган лойиҳалар бу ерда етиштирилган пахтанинг катта қисмини қайта ишлаш имконини бермоқда.

Президентимиз Кўкон шаҳрида барпо этилган "Индорама Кўкон текстиль" масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонаси фаолияти билан танишди.

Умумий қиймати 43 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон толасидан халқаро стандартларга мос, сифатли йиғирилган ип ишлаб чиқарилмоқда. Швейцария ва Япониядан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланган мазкур корхонада бир йилда 9-10 минг тонна пахтани қайта ишлаш ва 7 минг тонна юқори сифатли йиғирилган ип тайёрлаш имконияти мавжуд. Корхона маҳсулотларига ташқи бозорда харидорлар кўпайиб бормоқда. Корхона маҳсулотлари Испания, Бельгия, Франция, Италия, Туркия, Бразилия, Аргентина, Перу, Венесуэла, Доминикан Республикаси ва Бангладеш каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Корхонадаги суҳбат чоғида хорижлик сармоядорлар Ўзбек пахтаси аъло сифати, микронейр кўрсаткичлари юқорилиги, тозаллиги билан бутун дунёда машҳурлиги ва унга талаб катта эканлигини таъкидлади. Мамлакатимизда яратилган қулай инвестиция муҳити натижасида хорижлик иш одамларининг Ўзбекистонга сармоя қилиши тобора ортаётганини қайд этдилар.

Ўзбекистондаги инсон ресурслари, айниқса,

Ўзбек ёшларининг юқори салоҳияти, замонавий билим ва хунарларни пухта эгаллагани, ҳар қандай юксак технологияли ишлаб чиқаришни тез ва мукамал ўзлаштириши хорижликларда катта ҳайрат ва ҳавас уйғотаётгани алоҳида таъкидланди. Ушбу замонавий корхонада меҳнат қилаётган 300 нафар кишининг аксарияти ёшлар экани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Ислон Каримов бу ерда ишлаётган ёшларнинг меҳнат шaroитлари, уларга яратилган қулайликлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Кўкон шаҳрида амалга оширилаётган кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган улкан яратувчанлик ишлари натижасида бу шаҳар тамомила ўзгача қиёфа касб этаётди. Давлатимиз раҳбари 2009 йилда Кўконда бўлиб, шаҳар қиёфасини миллий ва замонавий архитектура аъналаридан фойдаланган ҳолда ўзгартириш ва такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берган эди. Президентимизнинг Кўкон шаҳрининг архитектура қиёфаси ва инфратузилмасини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари, шаҳарни саноат жиҳатидан ривожлантириш ҳамда уни ободонлаштириш ва инфратузилмасини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирларга оид қарорлари бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу йўналишда амалга оширилган ишлар натижасида қисқа вақт ичида шаҳардаги кўримсиз бинолар ўрнида замонавий иншоотлар қад ростлади. Хусусан, Ўрда майдонида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Ислон Каримов Ўрда майдонида амалга оширилган ишларга юқори баҳо берди, бу маскан кўкониликлар ва меҳмонлар дам оладиган гўзал ва файзли гўшага айланганини таъкидлади. Шаҳарнинг ўзига хос тарихи ҳақида тасаввур берувчи обидаларни асраб-авайлаш, унинг серқирра маданиятини намойиш этиш учун турли тарихий экспонатлардан фойдаланиш, шаҳар шароитига мос дароҳ ва гуллар экиш юзасидан тавсиялар берди.

Президентимиз янги қиёфа касб этган Истиқлол кўчаси, Жоме меъморий мажмуасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишди. Кўкониликлар билан мулоқотда бўлди.

— Амалга оширилаётган бундай улкан бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳаларнинг барчаси ягона мақсадга — юртимиз, жумладан, Кўкон шаҳри иқтисодиёти янада юксалтириш, халқимиз ҳаётини бундан-да фаровон этишга қаратилган, — деди Ислон Каримов. — Фарғона аҳлининг, Кўкон аҳлининг бундай эзгу орзу-интилишлари, келажакка катта ишонч билан яшаётгани барчамизни хурсанд қилади. Бошланган эзгу ишларимизни изчил давом эттириш доимий вазифамиздир.

Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодига қура олади. Президентимиз ташаббуси билан юртимизнинг барча ҳудудларида барпо этилаётган таълим-тарбия масканлари, спорт саройлари, мусиқа мактаблари, ёшлар марказлари ана шундай соғлом авлодни камолга етказишга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Кўконда янги бунёд этилган Болалар спорт мажмуаси билан танишуви ва ёш авлод вакиллари билан суҳбати чоғида бу масалаларга яна бир бор эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағига қурилган бу муҳташам саройда спортнинг 12 тури бўйича машғулотлар олиб бориш учун барча шароитлар яратилган.

Ислон Каримов бундай замонавий спорт мажмуалари ёшларимизнинг ҳар жиҳатдан соғлом вояга етиши, уларнинг интилишларига қанот бағишлаши, фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмайдиган камол топиши учун яратилаётган кенг имконият ва шароитларнинг яққол намоени эканини таъкидлади.


Президентимиз Фарғона вилояти фаоллари билан учрашди. Вилоятни ҳар томонлама тараққий эттириш, Фарғона ва Кўкон шаҳарлари инфратузилмасини, транспорт-коммуникация тизимларини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ва бу борадаги устувор вазифалар атрофича муҳокама қилинди.

**Олим ТўРАҚУЛОВ,
Маъсуд СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА махсус
муҳбирлари**

• МЕРОС

Тарих ва бугун учрашган кўприк


Дунё тамаддунига санъат, маданият, шеърят, наққошлик каби йўналишларда ўзига хос ҳисса қўшган алломалар, донишманду фозиллар сероб. Бироқ тарихда яхлит ва улкан из қолдирган, халқлар ўтмишида муҳим воқеаларга сабабчи бўлган шахслар камдан-кам. Ана шундай буюклардан бири нафақат туркий миллатлар, балки жаҳон халқлари ҳаётида улкан ўзгаришлар боис, ўз номига эга Соҳибқирон Амир Темуридир. Бу зоти-шарифга эҳтиром рамзи сифатида бугун пойтахтимиз марказида қад ростлаган Темурийлар тарихи давлат музейи айни кезде ўзининг ўн беш ёшини қаршиламақда.



Мазкур маскан мавжуд музейлардан фарқли ўлароқ, ўзига хос кўриниш ва жозиба касб этган. Катта куббали гўмбаз остидаги баланд нақшкор устулни айвон мажмуаси ўзбекона лутф ва архитектуранинг ўзида намоен этади. Ховли саҳнидаги поклик рамзи бўлиши фавворалар, нақшкор эшиклар сари элтувчи зиналар ичкаридаги ўтмиш лаҳзаларидан сўзловчи, сир-синаола мидан кишини воқиф этаётгандек.

Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги арафасида 1996 йил давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган мазкур музей республика ва хорижий мамлакатлар жамоатчилигини Темурийлар даври тарихи билан таништириш, сулола тарихи даврига оид манбаларни тўплаш бўйича мамлакатимиз ва чет элларда изланишларини олиб бориш, Амир Темури ва Темурийларнинг жаҳон фани маданиятига қўшган улкан ҳиссасини кўрсатиб берадиган асл ҳужжатлар, қўлёзмалар, моддий-маънавий ёдгорлик ва топилмалар асосида ўзбек халқи тарихини ёритувчи экспозиция ва кўчма кўрғазмаларда ёритиб беради. Музей айнан Темури ва унинг сулоласи тарихини ўз ичига олганлиги боис ўша давр нафасини бериш билан бир қаторда, замонавий меъморчилик санъати услубида барпо этилган.

"Ноёб илмий объектлар" рўйхатида киритилган мажмуада юртимиз тарихини акс эттирувчи ашёлардан Темурийлар даври тарихига оид қўлёзмалар, ёзишмалар, қумуш ва мис тангалар, Гури Амир мақбарасидан олинган ашёлар, сопол ва мис буюмлар, меъморий қопламалар, XIX–XX асрларга оид китоблар ҳамда этнографик буюмларни учратishi мумкин. Кўрғазма заллари сари ташланган ҳар бир одим кишини тарих ва бугуннинг шу ерда,



шу дақиқада учрашувдан воқиф этади. Буюк саркарданинг бутун ҳаётини ўзида ифодаловчи буюмлар, тизгинсиз жангу-жадаллардан огоҳ этувчи қурол-яроғлар, сарой ҳаётини ўзида ифода этувчи либослар, заргарлик анжомлари томошабинни бир зумга Темурийлар даврига олиб қиради. Бу ердаги ўтмиш ҳодисаларидан сўзловчи қўлёзмалар, ноёб ҳужжатлар, саҳифаларининг охори тўқилган китоблар, улардаги арабий, форсий, туркий ёзувларнинг барчаси бизга катта манзилу-мақомга қўзилган сулоланинг бутун ҳаётини сўзлайди.

— Амир Темури ва Темурийлар даври Ўзбекистон тарихи саҳифаларида энг шуқулли ва қудратли давр ҳисобланади, — дейди музейнинг илмий-ишлар бўйича директори ўринбосари Сурайё Ўлжабоева. — Будаўнинг маънавий ва моддий маданияти инсоният тамаддунининг ёрқин саҳифаларидан бирига айланган. Илм-фан, меъморчилик, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт, шеърят, мусиқа санъати юксак даражада тараққий этиб, ўз навбатида бу давр «Темурийлар Ренессанси» сифатида шуҳрат қозонишига сабаб бўлди.

Музей Юртбошимиз раҳнамолигида Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 мартдаги 99-



сонли қарори асосида ташкил этилиб, шу кунга қадар улуг бобокалонимиз ҳаёти ва фаолиятини ихлосмандларга яқиндан таништиришда кўмакчи бўлиб келаётди.

Ҳозирги кунда «Темурийлар даври» эъза ёдгорлиқларининг Ўзбекистонда ва хорижда ўрганилиши фундаментал лойиҳаси устида қизгин иш кетмоқда. Тадқиқот доирасида айни пайтдаги хориждаги Темурийлар даврига оид қўлёзмаларни ўрганилишига доир материаллар, маълумотлар тўпланди. Тўпланган материаллар асосида, мавзуга оид манбалар энг кўп сақланган Эрон, Туркия, Англия, Франция ҳамда Россия мамлакатларидаги қўлёзмалар фондларидаги ҳамда манбаларнинг ўрганилганлиги даража таҳлил қилинди. Рус тилида ЮНЕСКО ҳомийлигида «История письменности и рукописной

книги народов Узбекистана (IX в. - начало XX в.)» (Тошкент: 2008. 10 б.т. — Хабибуллаев Н.Н.) монографияси, ўзбек тилида «Темурийлар даври маънавий мероси тарихидан» (Тошкент, 2009. - 98 б. — О.Бўриев) рисоласи ва «Темурийлар даври манбалари» (Тошкент. "Aloqa Print" 2010. 117 б.) тўплamlарини нашр қилиниб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди.

Айтиш мумкинки, ҳозирги кунда музейда олиб борилаётган тадқиқотлар, изланишлар ва чоп этилаётган тўплamlар катори, ўтмишда турли сабабларга қура чет элларга олиб чиқиб кетилган Темурийлар даврига оид қўлёзма асарлар, бадий хунармандчилик буюмлари ва санъат намуналари дунёнинг энг машҳур музей ва коллекцияларида намойиш этилиб, бадий хунармандчилик буюмлари ва санъат намуналари дунёнинг энг машҳур музей ва коллекцияларида намойиш этилиб, айни дамда улардан моҳир устакитоблар Хайрулла Исамухамедов, Файрат Жўраев ва К.Бехзод номдаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси, заргар Рамзиддин Азизовлар томонидан тайёрланган намуна ва макетлар яратилмоқда.

Уч қаватли музейнинг икки қаватидаги экспонатлар галереяси ундаги нодир ашёлар, қадимий либослар,

рангасвир усталари томонидан Темури ва шахзодалар, сарой мушоираси, жанглар тасвири акс этган суратлар бу масканга ташриф буюрган ҳар бир киши кўнглида улуг Соҳибқиронга нисбатан ҳавас ва гурури туйғуларини уйғотса не ажаб. Улкан, пуриқор қандид остидан жой олган Мусхави Усмон китоби ҳамда унинг ён-веридagi камаклар рангидек жилонанган расмлар сизу-бизга сарой нафасини тақдим этади гўё. Музейдаги жами уч мингдан зиёд ноёб экспонатлар то ханузгача ўтмиш ва бугунни ўзида жамлаган, аждодлар ҳаёти тафсилотларини авлодларга инъом этган маънавият сарчашмаси бўлиб қолаверади. Токи, тарихини, ўз алломаларини улуглайдиган юрт мангу ободдир.

**Наргиза АСАДОВА,
"Туркистон-пресс"**



ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

● МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Тилимиз софликни талаб қилади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Туркий тилларда, жумладан, ўзбек тили олдида аниқ сон берилганда от "лар" кўшимчасини олмайди. Шунинг учун "тўрт йигит", "беш қиз" ёки "беш нафар қиз", "иккала онамиз" дейилса, тил қондасига мос бўлади. Ундан ташқари, "-та"нинг асл маъноси "дона"га тўғри келгани учун уни одамга нисбатан ишлатиш мумкин эмас.

Кўплик кўшимчаси "-лар"нинг кўпга нисбатан қўлланишидаги яна бир хусусияти шундан иборатки, у эшитувчига маълум бўлган нарса бирдан ортиқ бўлган ҳолдагина ишлатилади. Агар эшитувчига маълум бўлмаса, у ҳолда "-лар" қўлланилмайди. Жумладан, "Габроваликлар каптарларни яхши кўришди" ёки "Пахта машиналар ёрдамида териб олинди" дейиш нотўғри бўлиб, "каптарни" ва "машинада" ёки "машина билан" дейиш керак.

Шундай кўшимчалардан яна бири мажхулик кўшимчаси "-н"дир. Бу кўшимчани "бошламоқ" феълига ўринсиз қўлади. Масалан, "пахта терила бошланди" сингари гапларни эшитиш мумкин. "Бошламоқ" кўмакчи феъл бўлиб келганда унга "-н" қўшилмайди. Тўғриси, "пахта терила бошлади"дир. "Олимларимиз изланмоқдалар", "кўп изланишлар натижасида", "янги усулларни қўлланиб" сингари гап ва иборалардаги "-н" ҳам тил қондасига хилофдир. "Изланиш" русча "изыскание"нинг нотўғри таржмачисидан иборатдир. Бу ўзининг бирламчи лугавий маъноси "излаб топиш" бўлиб, кўплик формасида, яъни, "тадқиқот" маъносига ҳам ишлатилади ва бу ҳолда уни ўзбекчага "излаш", "текшириш", "синчилаш", "тадқиқот" каби сўзлар билан ишлатиш аниқ мудоаодир.

Кераксиз ўринда ишлатилаётган кўшимчалардан яна бири "ҳам-" олд кўшимчасидир. Масалан, "геологлар ҳамдўстлиги", "Англиянинг ташқи ишлар ва ҳамдўстлик вазири", "Европа иқтисодий ҳамжамият" каби ибораларни баъзан радиодан эшитиш ва газеталарда ўқиб қолиш мумкин. Аслида-чи? "Ҳам-" ёки унинг маънодоши "-дош"ни "дўстлик" ва "жамият" сўзларига қўшиб, маъноли сўз ясаб ҳам бўлмайди. Кўп ҳолларда бу сўзларни матбуотда пайдо бўлишига бирор тажрибасиз таржимон сабабчи бўлган. Таржима соҳасидаги энг кўпол хато бу сўзнинг маъносига эътибор бермасдан унинг ўзини эмас, бўлакларини таржима қилишдир. "Содружество"нинг маъноси "ҳамкорлик" ва "ҳамжихатлик"дир, лекин таржимон унинг "со"сини алоҳида ва "дружество"сини алоҳида "дружба"дек "дўстлик", деб таржима қилган ва натижада ўзбекчада нотўғри сўз ҳосил бўлган.

"Европейское экономическое сообщество"нинг асл маъносини бузиб, "Европа иқтисодий бирлашма" ўрнига "Европа иқтисодий ҳамжамияти", деб нотўғри таржима қилинган.

"-лик" ва "-чилик" кўшимчалар кўпчунга ўринсиз ишлатилади. Баъзи матбуотчилар "жаҳон жамоатчилиги", "устувор қонунчилик" деган ибораларни қўлади. Бунинг биринчиси рус тилидаги шаклда мавхумлик билдирувчи кўшимча билан тенг келадиган жамлик кўшимчасини нотўғри, яъни мавхумлик кўшимчаси, деб тушуниш натижасида вужудга келган. "Общественность"нинг бир неча маъноси бор, лекин ҳеч бири "жамоатчилик" эмас. "Мировая общественность" — "жаҳон оммаси", "научная общественность" — "илм аҳли", "общественность завода" — " завод аҳли", деб соф ўзбек тилида ишлатиш лозим.

Баъзан "маккажўхорикорчи" деган сўз ҳам радио тўқинлари орқали берилмоқда. Бу ҳолда "-чи" кўшимчасининг истемол қилинишига сабаб "-кор"нинг маъносидан беҳабарликдир. "Кор", "қоштан" (экмак) феълнинг ҳозирги замон негизи бўлиб, маъноси "экар"дир. Демак, "пахтакор" пахта экан, "шоликор" шולי экардир. Шунинг

учун "пахтакорчи" (пахта экарчи) дейилмайди. Демак, "маккажўхорикор" (жўхорикор)га ҳам "-чи" қўшиб бўлмайди.

Ўзбек тилида изофа кўмакчиси деб аталадиган "и (йи)" кўмакчиси мавжуд бўлиб, унинг талаффузи ва имло қондаси ҳақида ўзбек орфографиясида махсус кўрсатма ва қоидалар йўқ. Шунинг учун бу кўмакчини ишлатишда хатоликларга йўл қўйилмоқда. Изофа кўмакчиси аниқловчи билан аниқланмишни бир-бирига бириктирувчи восита бўлиб, у аниқловчи олдига қўйилган аниқланмишга қўшилиб, урғусиз талаффуз қилинади. У урғусиз бўлгани учун ҳам кўмакчидир, агар урғули бўлса, кўшимчага айланади ва уни учинчи шахс эгалик кўшимчаси ёки "и" шаклига эга бўлган ўзга кўшимчалардан бири деб тушуниш мумкин. Шунингдек, бу кўмакчининг ишлатилишидаги хатонинг бири шундан иборатки, уни талаффуз қилганда ёки ёзганда "у"га айлантирилади. Масалан, "марди-майдон"ни "марду майдон" деб талаффуз ила ифода қиламиз. Бу хатони профессор М.Мирзаев ўз мақолаларидан бирида кўрсатиб ўтган эди. Иккинчи хато шундан иборатки, мазкур кўмакчи унли товуш билан тугаган сўзлар билан келганда "йи" тарзида талаффуз қилинса ҳам уни "и" тарзида ёзилади. Масалан, "нуқта-йи назар"ни "нуқтаи назар", "бало-йи нафс"ни "балои нафс" деб ёзилади.

Изофа кўмакчисининг ишлатилишидаги яна бир хато уни дефис билан ажратиб ёзмасдан қўшиб ёзилишидир. Уни дефис билан ажратиб ёзишнинг икки томонлама афзаллиги бор. Биринчидан, бу ҳолда унинг кўшимча эмас, кўмакчилиги, яъни урғусиз талаффуз қилиниши ёзувда акс этади. Иккинчидан, уни "и" шаклидаги кўшимчалар билан қоритириш эҳтимоли йўқолади. Масалан, Ҳофиз Хоразмининг қуйидаги мисрасини олиб қарайлик:

Бу йўлга мени зулф-и паришон бошлар.

Агар бу мисрадаги изофа кўмакчиси "и" дефис билан ажратилмасдан "зулфи паришон", деб ёзилса, унинг маъноси "паришони зулф"ми ёки "паришон зулфи"ми, билиб бўлмасди. Буни аниқлаш учун араб графикасида ёзилган аслига мурожаат қилишга тўғри келади. Чунки араб графикасида булар орасидаги фарқ ёзувда акс эттирилган.

Гап шундаки, матнда "и"ни эгалик кўшимчаси сифатида ўқилганда ҳам, изофа кўмакчиси сифатида ўқилганда ҳам мазмун чиқадиган гаплар тез-тез учраб туради. Масалан, "боғи висоли" бирикмасида "агар боғ" сўзига қўшиб ёзилган "и" эгалик кўшимчаси бўлса, "унинг боғининг висоли" деган маъно бўлади (-нинг шеърийликда тушиб қолиши мумкин). Агар изофа кўмакчиси бўлса, "висол боғи" (ўхшатиш) деган маънони беради. Талаффузда бу фарқ қилади: биринчи бирикмада "и" урғули, иккинчисида урғусиз бўлади. Шунинг учун кейингиси "боғ-и висол", деб ёзилса, ўқувчи адашмайди. Бугина эмас, изофани дефис билан ажратиб ёзиш, умуман, сўздан сўзни фарқлаш учун ҳам керак бўлади. Масалан, Навоийда "гоҳ-и" (баён вақтида) деган ибора учрайди. Агар "гоҳ-и"ни "гоҳи" деб ёзилса, у "баъзан" деган маънодаги бошқа сўзга айланади. Яна бир мисол:

Лаби лаълин малоҳат холи бирла бахравар қилган
Менинг жоним доғ-и ишқ бирла бахраманд этмиш.
(Навоий).

Бу байтдаги "доғ-и" "ишқ доғи" деган маънода. Агар "доғи" деб ёзилса, уни "тагин", "ҳам" маъноларидаги "дағи" ("доғи") сўзи, деб тушуниш мумкин.

Шундай қилиб, қалами ўткир, тили бурро журналистларимиз сўз қўллаш маҳоратини тинмай ошириб, қайраб боришлари керак. Чунки, ўзбек адабий тили фақат софликни талаб қилади.

Алибек РУСТАМОВ,
академик,
Карим НОРМАТОВ,
профессор

● 2011 ЙИЛ — КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ



"Сурхонтекс"нинг экспортбоп маҳсулотлари

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги "Сурхонтекс" Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонаси пахта толасини қайта ишлашга ихтисослашган.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада пахта толасидан калава ип ишлаб чиқарилади. 600 дан зиёд киши иш билан

таъминланган. Йил бошидан буён ишлаб чиқарилган маҳсулот 1780 тоннани ташкил этади. Тайёр маҳсулотлар асосан Россия, Туркия, Эрон, Молдова, Украина, Қозғистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда. Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот маркасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлиги Мақамаси ҳузуринда Гидрометеорология хизмати маркази мутахассислари ОАВ вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди.

● АНЖУМАН

Ўзгидромет

ОБ-ҲАВО, ИКЛИМ ВА СУВДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРАДИ

Анжумандан кўзланган асосий мақсад дунёда юзага келаётган ноқулай метеорологик вазиятларда омма эътиборини мамлакатимиз гидрометеорология тизимининг ҳолати, унинг техник базасини такомиллаштириш, марказ фаолиятининг тезкорлиги ва интерактивлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган амалий ишлар билан яқиндан таништириш, ўзаро фикр алмашидан иборатдир. Шу ўринда мутахассислар соҳа фаолиятига ҳам тўхталиб ўтишди.

— Айни пайтда Республика Гидрометеорология хизмати маркази гидрометеорологик ахборотлар тўплаш, уни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, гидрометеорологик кузатувлар тармоғи, жумладан, тармоқчи замонавий техник ривожлантириш, ишчи ҳолатни сақлаш, гидрометеорология соҳасида замонавий технологияларни қўлланган ҳолда илмий ва халқаро миқёсда тадқиқотлар, ишланмалар олиб бориш билан шуғулланади, — дейди Ўзгидромет бош директори биринчи ўринбосари Бахтиёр Қодиров. — Шунингдек, гидрометеорологик ахборот хизмати, об-ҳаво прогнозлари ва оғохлантириш шаклидаги маълумотларни давлат органлари ҳамда

ОАВ воситаси орқали аҳолига турли хизматлар кўрсатиш, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, авиация, миллий муодофаа, коммунал ҳўжалик ва иқтисодийнинг бошқа тармоқларининг эҳтиёжига қараб махсус тезкор гидрометеорологик хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган.

Марказ атмосфера, юза сувлар, тўпроқ мониторинги, фан мониторинги (маълумотларни тўплаш, ишлаш, таҳлил қилиш ва тайёрлаш)ни ўтказди. Иқлим ўзгариши монитингнинг таъминлаш ва унинг тахминий прогнозлари ҳам айнан шу ернинг ўзида тайёрлаб келинмоқда.

Тезкор ишлаб чиқариш фаолияти Ўзгидромет учун гидрометеорологик таъминот хизмати (ГМТХ) устувор аҳамиятга эга бўлиб, метеорологик хизмат кўрсатиш, қўллаётган об-ҳаво шароитлари, шунингдек, фавқулодда воқеалар содир бўлишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган хавфли об-ҳаво ҳодисалари тўғрисидаги тезкор маълумотларни етказиб беради. Метеорологик прогнозлар 1-5 сутка оралиғидаги давр учун тузилади. Улар кундалик об-ҳаво бюллетенида чиқарилади, сўнг Ўзгидрометнинг интернетдаги сайтига киритилади, газеталарда чоп эти-

лади, радио ва телевидение орқали эшиттирилади. Шунингдек, бир ой учун консултив об-ҳаво шартлари тузилади.

Вегетация даврида ҳар ўн кунда Республика давлат ҳокимияти органлари, агроаноат мажмуи, ташкилот ва идоралар учун вилоятлар бўйича гўза экинлари ҳолати тўғрисидаги махсус хат тақдим этилади. Кузги мавсумда махсус хатлар ноябрь-май даврида ҳар бода тайёрланади. Баҳор ойида чўл йилловларидаги озуқа захираларини ҳисоблаш учун рақамли спутник ахборот маълумотларидан кенг фойдаланиб келинади.

Тадбирда хавфли гидрометеорологик ҳодисаларга алоҳида тўхталди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу ҳодисалар (кучли ёмғир ёки қор ёғиши, вегетация даврида совуқ урушлар, қурғоқчилик, дўл, сел оқимлари, кучли шамол, юқори тоқ дараёларнинг ўпирилиши, сув тошқинлари) юзага келиш ҳолатларида ГМТХ мутахассислари давлат бозорлар органлари, манфаатдор вазирлик ва идораларга тезкор оғохлантириш тайёрлаб жўнатилади. Ундан сўнг табиий офат зонасидаги гидрометеорологик вазиятнинг мунтазам сутка давомида мо-

нитинг олиб борилиши натижасида унинг ривожланиш прогнозлари аниқлаб борилади.

Ҳозирги кунда республикамизда 78 та метеорологик, 19 та гидрологик, 1 та сув баланс, 3 та қўл, 3 та қор кўчки, 15 та авиация метеостанциялари, 1 та баландлик метеокомплекси, 1 та фан мониторинг станцияси ва 91 та агрометеорологик кузатув пунктлари ишлаб турибди. Метеорологик станциялар ер усти метеорологик кузатувлар мажмуини ўтказди. Агрометеорологик кузатувлар Ўзбекистонда етиштирилаётган барча қишлоқ ҳўжалик ўсимликлари устидан олиб борилади. Сув объектлари гидрологик режими ўрганиш, сув микдори ва сифатни давлат ҳисобига олиш жорий масалаларини ҳал қилиш ва режим, тезкор гидрологик ахборотга эҳтиёжни қондириш мақсадида амалга оширилади. Сув баланс ишлари гидрометеорологик станцияларда бажарилади, уларнинг таркибига "Fedchenko" ихтисослаштирилган сув баланс станцияси қиради.

Республикамиз ҳудудида гидрометеорологик вазият устидан доимий мониторинг, шу жумладан, сел ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан аҳолини ўз вақтида оғохлантириш ва ҳимоя қилиш мақсадида аэровизуал кузатув олиб борадиган 5 та қор кўчки станцияси мавжуд. Ҳаво транспортининг барқарор ривожланиши учун ихтисослаштирилган метеорологик хизмат ҳам талаб этилади. Бугун республикамизнинг ҳар бир аэропортида мавжуд авиастанцияларда метеорологик маълумотлар билан таъминлайдиган бўлимлар ташкил этилган.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

● БАНК ХИЗМАТИ

Асосий мақсад — юрт тараққиёти



Мамлакатимизда истиқлол туфайли тадбиркорликни ривожлантириш орқали мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдирини, янги иш ўринлари яратиш борасида ҳам беқиёс имкониятлар юзага келди. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан ҳар бир йилга устувор вазиға белгиланиб, шунга монанд Давлат дастурлари қабул қилиниши ҳар бир жабаға тараққиётда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бинобарин, 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши мазкур йўналишда кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш имкониятини яратди. «Кредит Стандарт» банки ҳам шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг бир қанча фармон ва қарорларида белгиланган вазифалар ижросида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Чунончи, жорий йилда банкимиз томонидан кичик бизнес субъектларига турли мақсадлар учун жами 11 млрд. 540,7 млн. сўм кредит ажратилди. Ушбу кредитларнинг 13 фоизи банкнинг амалиёт бошқарма-

сиға, 69 фоизи Самарқанд вилояти, 16 фоизи Фарғона вилояти филиаллари хиссасига тўғри келмоқда.

Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар, асосан, қуйидаги соҳаларга йўналтирилди. Санотта 7 млрд. 300 млн. сўм, қишлоқ ҳўжалиги (балиқчиликни ривожлантириш)га 96 млн. сўм, транспорт ва алоқа хизматига 472 млн. сўм ва бошқа тармоқларга 3 млрд. 672 млн.сўм маблағ берилди.

Юртимизда тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис молия муассасамиз ҳам ушбу ташаббусдан

четда қолаётгани йўқ. Масалан, кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларни таҳлил қилганимизда, хотин-қизларнинг тадбиркорлигини ривожлантиришга ажратилган кредитлар ҳажми 719 млн.сўмга етгани маълум бўлди.

Банкнинг юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадлардан ташқари 2011 йил давомида ажратилган инвестицион кредитлари жами 13 млрд. 147 млн. сўмини ташкил этади. Унинг 39 фоизи Тошкент шаҳри, 35 фоизи Самарқанд вилояти, 26 фоизи Фарғона вилояти хиссасига тўғри келди. Хусусан, ушбу кредитлар доирасида Тошкент шаҳрида тиббиёт ампулаларини ишлаб чиқарувчи корхона фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида 4,6 млрд. сўм миқдоридида маблағ ажратилди. Ушбу лойиҳа амалга ошса, 100 та янги иш ўрни яратилади.

Жорий йилда, шунингдек «Фарғона ёғ-мой» ОАЖ томонидан янги ишлаб чиқариш цехлари қуриш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳа доирасида 1,7 млрд. сўмлик кредит линияси очилди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирини юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғри-

сида»ги қарорига биноан, «Кредит Стандарт» банки 2011 йил давомида жами 9 млрд. 586 млн. сўм миқдоридида кредитлар ажратди. Бу билан ўсимлик ёғи ва яхна ичимликлар ишлаб чиқариш тармоғини ривожлантиришга қўмаклашилмоқда. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори доирасида банк томонидан ушбу мақсадларга жами 10 млрд. 266 млн. сўм миқдоридида кредитлар ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, банк эзгуликка йўғрилган хизматларини келгусида янада кенгайтириш тарафдоридида. Зеро, бунинг учун барча имкониятлар яратиб берилган. Мақсад, ушбу имконият ва имтиёزلардан унумли фойдаланиб, аҳоли фаровонлиги, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдир.

Э.СОБИРОВ,
"Кредит-Стандарт" банкининг корпоратив кредитлаш ва лизинг бошқармаси бошлиғи

"Кредит-Стандарт" банкининг "ишонч телефонлари" рақамлари:
Тошкент (Амалиёт бошқармаси ва Марказий офис) — (8 371) 140-12-70;
Тошкент шаҳар филиали — (8 371) 140-50-19;
Самарқанд филиали — (8 366) 233-81-67;
Фарғона филиали — (8 373) 224-69-02.

НИГОҲ

● БУНЁДКОРЛИК



Янги уйларда ҳовли тўйлари

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар туфайли нафақат юртимиз шаҳарлари, балки қишлоқлар қиёфаси ҳам тубдан ўзгариб, бу масканларда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш даражаси яхшиланган, улар учун қулай шарт-шароитлар яратилмаётти.

Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш, ушбу ҳудудларда замонавий қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда сифатли уй-жойлар ва ижтимоий объектларни барпо қилиш, қишлоқлар инфратузилмасини янгидан шакллантириш бўйича кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди.

Юртобшамининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига

асосан биргина ўша йилнинг ўзида мамлакатимизнинг 42 та массивида 847 та янги замонавий қиёфадаги уй-жойлар қурилиб, бу ишлар учун 50 миллиард сўм миқдорда маблағ сарфланди. Шундан 31 миллиард сўми банкнинг имтиёзли ипотека кредити ҳисобидан амалга оширилди. 2010 йил давомида юртимизда 6800 та намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жой эгалари учун 254 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Жорий йил дастурига асосан республикамизнинг 157

та туманидаги 355 та массивда 7400 та янги турар-жойлар бунёд этиш учун "Қишлоққурилиш-инвест" инжинеринг компаниясига қарашли таркибга 1080,1 минг квадрат метр ер майдон ажратилди. Юртимиз қишлоқларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, қурилиш ишларида 753 та пудрат ташкилотлари иштирок этаяпти.

Сирдарё, Боевот, Сардоба туманларида янги қиёфага эга турар-жойлар барпо этилди. Мирзаобод туманининг "Боғистон" маҳалласи ҳудудда ҳам ана шундай шинам ва кўркам, 61 та уй-жойлар қурилди.

Катта йўл бўйидаги замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган янги турар-жой массиви туманимиз кўркам, чиройига чирой бағишлади. Янги массивни

барпо этишда Неймат Аезов раҳбарлик қилаётган "Боевот-интерфакс", Муҳиддин Жўраев бошчилигидаги "Саид Муҳаммад Дўст", Суён Салимов етакчилигидаги "Улуғбек" ва Файзулла Маматқулов раҳбарлигидаги "Габарит плюс" хусусий қурилиш корхоналари жонбозлик кўрсатишди. Янги турар-жой массивидан 61 та намунавий лойиҳадаги уйлар, 96 ўринли мактаб, қишлоқ врачлик пункти, спорт ва болалар майдончалари, ёзги шийпон ўрин олган.

Янгигузар қишлоқ врачлик пункти биноси ҳам узукка кўз кўйгандай массивга жуда ярашган. Янги турар-жойларнинг фойдаланишга топширилиши катта тантанага айланиб кетди. Унда вилоятдаги туман, шаҳар ҳокимлари, вилоят ташкилотлари раҳбарлари, меҳнат фахрийлари иштирок этди.

Янги уй соҳибларидан бири Раҳим Анорбоевнинг қувончи чексиз. Ахир барча қулайликларга эга, энг сўнгги русумдаги мебеллар, гилам, рангли телевизор, шохона пардалар билан безатилган хонадонда яшаш кимга ҳам ёқмайди, дейсиз. Хонадон бекаси Нилуфархоннинг ҳам кайфияти аъло. Елиб-югуриб янги уйни кутлаш учун кириб келаётган меҳмонларга дастурхон ёзиш тадбирини кўради.

— Бундай кўркам, шинам ва барча қулайликларга эга уйда яшашни ҳар бир ўзбек аёли орзу қилади, — дейди биз билан суҳбатда Нилуфар. — Мен ана шундай юксак бахтга муяссар бўлганлигимдан беҳад хурсандман.

Шу кун янги уйлар атрофидаги болалар истироҳат боғи спорт майдончалари гавжум бўлди. Спорт майдончаларида бир-бирдан қизикарли беллашувлар ўтказилди. Янги массив аҳолиси истиқлол айёмини янги уйларда катта тантаналар билан нишонладилар.

Анорбой НОРКУЛОВ,
"Millyi tiklanish" мухбири

● ЎЗБЕК КУРАШИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Машҳур полвонни
енган ўзбек

Ватанимиз мустақилликка эришгач, Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида барча соҳалар қатори спорт, хусусан, ўзбек миллий курашининг ривожига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бугун миллий курашимиз бўйича Осиё ва жаҳон чемпионатлари ўтказилмоқда, дунёнинг энг нуфузли спорт майдонларида ўзбек қалами янграмоқда. Уйлаб ёш полвонларимиз дунёнинг мана-ман деган курашчиларининг курагини ерга тексизмоқда. Ана шундай эзгу ишларни зувуҳи бўлиб, полвонларимиз ютуқларидан қувониб — курашимизнинг ҳам тарихий илдизлари бақувватлиги, ўтмишида ҳам елкаси ер искаммаган полвонларимиз бўлганлиги, бироқ мустабид тузум даврида уларнинг истеъодлари хор қилинганлиги ҳаёлимиздан ўтади. Ўз замонасида қадр топмаган шундай полвонлардан бири ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчимиз.

Отаним Аликул исмли акиси бўлар эди. Аликул амаким гавдали, қўллари бақувват, полвонсифат инсон эди. У киши 18-20 ёшларидан кўпқари чопар, чавандозлик қилар, тўйларда қурашга тушар, аммо бирор марта ҳам елкаси ер искамма эмас эди.

Тўйлар ўша пайтларда (XX асрнинг 30-йиллари назарда тутиляпти) асосан куз-қиш ойларида бўлиб, суннат тўйларида албатта кўпқари ўтказиларди. Кўпқарисиз ўтган тўйни тўй деб ҳисоблашмасди ҳам. Сурхон ва Қашқадарё воҳалари ҳамда Тожикистоннинг Вахш водийсидан номдор чавандозлар бир-бирларининг ҳудудларидаги тўйларга қатнашарди. Улоқ учун беллашув ҳақиқий "жанг майдони"га айланар экан. Чавандозлар бир-бирларини сирдан танишар, ўзаро келишиб катта тўйларнинг ўтказилиши мuddатини белгилашар ва тўй кундан бир, икки кун олдин ўша тўйга келишар экан.

Тўйларга қанча кўп чавандозлар, айниқса, номдор — халқ оғзига тушган чавандозлар келса, тўйга келувчилар сони шунчалик кўп бўлардики, ҳатто икки, уч қир-адирларга томоша қилувчилар сифатида, Гагининг индоллосини айтганда, Аликул чавандоз амакимга тенг келадигани камдан-кам топиладиган бўлиб қолди. Тўй эгалари белгилаган жойга бир кун аввал Аликул чавандоз дўстлари билан келиб жойлашарди.

Амаким ўта саҳий ва мурувватли бўлган. У кўпқарилардан олган мол-мулкларининг кўп қисмини тўйга борган дўстлари, қариндошларига тарқатиб берар эди. Хотамтой амакимнинг иккита наслдор улоқчи оти, 2-3 та сигири ва 15-20 та қўйи бор эди, холос...

Тарихдан маълумки, шу йиллари колхозлаштириш (жамоалаштириш) бошланиб, ҳр-лисида 2-3 та қора моли, оти ёки қўйлари борларни, "бой" деб ҳисоблаб, улар қулоқ қилиниб, Сибирга, Узок Шарққа, Мурманск томон сургун қилинарди. Қишлоғимиздан уч киши — улардан бири амакимини Денов туман НКВДсига олиб кетишди ва Тошкентга жўнатишди. Тошкентда минглаб одамлар тўпланишидан кейин, уч гуруҳга бўлиб, алоҳида поездларда номаълум томонларга жўнатиб юришарди.

Аликул амаким ҳеч қандай қулайлиги йўқ, ҳар ким ўзи билан олиб келган тўни-кўрпасини тўшаб, 30 га яқин киши бир вагонда Шимол томон кетишарди. У вагонда асли Фарғона вилоятининг Олтиғат туманидан бўлган Мадамин исмли йигит билан танишарди. У ерларда сув камлиги, аммо отасидан мерос қолган ўрикзор боғи борлиги ва қолган ерларига бодиринг, қартошқа экишини Мадамин ҳикоя қилиб беради.

Хуллас, иккаласи яқиндан танишиб, қаерга боришса ҳам ажралмасдан дўст бўлишга ва ҳар доим бирга юришга қарор қилишибди.

Ун бир кун йўл юришибди. Ва ниҳоят Москов деган жойга келишганида вагонлардаги қоровул аскарлар вагондан бир қадам ҳам ташқарига чиқаришмасди. Бир қанча вақтдан кейин поезд яна Шимол томон жўнаб кетибди. Учинчи кун уларни чексиз ўрмонзорга тушириб, 500-600 киши бир қатор бўлиб, ўрмондаги тор йўллар бўйлаб 4-5 соат юришибди. Кечга бориб катта дала жойда тўхтаганидан кейин — икки кунда ўн кишилик барак ҳураш буюришибди. Агар ким қочибга қаратилса, отиб ташланади, деб огоҳлантиришибди. Икки километр нарида катта канал қазилёттибди, ўша жойга бориб ишлайсизлар, дейишибди.

Эртасига 30 та кишига битта рус бригадир тайинлашди ва Беломор деб аталган канал томон кетишди. Борганларида 10-15 минг чамаси одам, чуқурлиги 20-30 ва кенлиги 50-60 метр бўлган жойда ишлаётганини қуришди. Пастдан тепагача 10 та одам бир қатор бўлиб, бири иккинчисига, иккинчиси учинчисига, униси тўртинчисига ва ҳоказо тупроқни олиб чиқадиган қилиб ҳар кунлик норма берибди. Амаким энг пастда ва ундан кейин Мадамин ака жой олишган. Аликул амаким қишлоқда ҳам ариқ қазиб юрганиги учун Мадаминга ёрдам бериб, бир неча дақиқада кетмондаги тупроқни 3-4 метр бандликка отар эди...

Шу ўринда амакимнинг ўз оғзидан эшитилган ҳикоясини келтириб ўтаман.

— Мадамин дўстимнинг менга бошқа ишларда катта ёрдами тегарди. Биз жуда қаттиқ чарчар эдик. Кечкурунга тайёрланган макарон овқатни базўр еб улгурардик ва қотиб ухлаб қолардик. Ишлаш жуда оғир эди. Айниқса, қиш ойларида ерлар қалин муз билан қопланган, ломлар, бошқа темир асбоблар билан уйиш керак бўларди. Уларни тепага отиб чиқариш ҳам оғир кечарди. Муз тупроқни халталарга солиб, судраб тепага олиб чиқиш керак эди.

Шу тариқа 4 йилу 3 ой ишладик. Лой, муз остида қолиб, оғир ўпка касаллигидан ўлиб кетганларнинг сон-саногини йўқ эди. Шу даврда канал қазилмоқда бир неча марта бошқа одамлар, шу жумладан, Ўзбекистондан ҳам олиб келинарди. Аммо, улар орасидан бирорта деновлик ёки шўрчилик танишларни учратмадик. Канал қазилмоқда 130-150 минг одам ишларди. Улар ичида украинлар, белоруслар, арманлар, грузинлар, қирғизлар, қозоқлар ва бошқа миллат вакиллари бор эди.

Амаким хўрсиниб, ҳикоясини давом эттирдик.

— Хуллас, канал қазиб ишлари қизгин тарзда давом этарди. Бир шанба кун икки соғирнинг турли жойларидан артистлар, кўшиқчилар, спортчилар келишди ва ҳар хил тилларда концертлар қўйиб беришди. Эртаси яқшанба кун ҳам бир неча жойда концертлар қўйилди.

Яқшанба кун пешиндан кейин катта майдонда спорт ўйинлари бошланди.

"Энг машҳур полвон Иван курашга тушди, хоҳловчилар курашини мумкин, ҳамма келсин" — деган эълон ёзилиб, осиб қўйилди. Мен чарчаганлигим сабабли боришга хоҳишим йўқ эди. Мадамин дўстим ва бошқа Ўзбекистонликлар қўйишмасдан кураш майдонига мени олиб боришди.

Кураш майдонига катта гавдали, мендан бир ярим баравар келадиган, бўйи ҳам банд, жуда салобатли пахлавон чиқди.

Бошловчи: ким ўзини жаҳон чемпиони Иван Поддубний билан курашда синаб кўради. Марҳамат, пахлавон курагани, — деди.

Бироздан кейин бир рус йигити майдонга чиқди. Уни осонгина йиқитди. Кейин грузин полвони чиқди. У ҳам бироз вақт айланиб, қочиб юрди, аммо Иван полвон уни ушлаб олди ва отиб юборди, қайтиб чиқмади. Фала-говур бошланди.

Мадамин эса менга курашга чиқишни қайта-қайта айта бошлади. Мен эса кўркам, бирор жойимни синдириб қўйди, — деди.

Кейин юртдошлар ва танишлар қўстаб қўймади. Мен секин Мадаминдан чил берсам бўладими, — деб сўрадим.

— У, нима деганинг, — деди Мадамин. — Мен, унинг ўнг оёғига ўзимнинг чап оёғим билан илмак солсам бўладими, — дедим.

Мадамин дарҳол русчалаб бошлиғимиздан сўраса, майли бўлади, ўшандай қилиш мумкин, бу қойдан бўзмайди, — деди.

Кейин юққароқ кийимим билан кўрқап-паса майдонга чиқдим. Иван полвон ёнимга келгунча бир айланди, мен ҳам айландим, кейин тўғри келиб ёқамдан ушлади, бир кўтарди ва ташлаб юборди. Аммо, ерга тушгунча, мен чаққонлик билан унинг кийимидан ушлаб улгурдим ва оёғим учидан ерга тушдим. Буни кўриб, у ҳайрон қолди ва жахли чиқиб, мен томон юра бошлади. Секинроқ келишидан фойдаланиб, кийимим ёқасидан тезда ушладим ва шу вақтнинг ўзида чаққонлик билан чап оёғим билан унинг ўнг оёғига чил солиб, тортиб юбордим. У эса буни кутмаган ва тайёр эмасди чоғи, орқасига чалқанча қулаб тушди. У ерда чалпақдай ётарди. Томошбинлар ҳаяжон ва ҳайратда қичқаришибди, чапак чалиб юборишди.

Иван полвон ётган жойидан секин турди-да олдимга келиб, мени табриклади ва кўтарди майдонни айланиб чиқди. Мен пахлавоннинг мардлигига қойил қолдим ўшанда. Қурилишдаги ишчиларнинг ҳаммаси мени табриклаб, ҳатто кўларини кетишди. Айниқса, юртдошларим, бичаранинг хурсандчилиги чексиз эди. Худо деган эканман, илоҳ! Жаҳонга машҳур полвонга бас келиш ҳазилакам гап эмас эди!?

Бригадиримиз ўта қўвонганидан "Жавоб олиб бераман, уйингга кетасан", — деди. Кўп ўтмай, у қурилишнинг энг катта бошлиғи билан келишиб, қўлимга бир қоғоз тутқазди ва "Сен бутунлай овоз бўлдинг", — деди.

Мен ҳайрон бўлдим ва бригадирга: "Бу ердан қандай кетишни билмайман, менга Мадаминни қўшиб беринг, бирга кетайлик", — дедим. У бўлса яна катта бошлик билан келишиб, "Майли, иккалангга ҳам жавоб, эртага билет олиб бераман", — деди. Унинг меҳрибонлигини қарангки, билет ва пул бериб: "Сен рус пахлавонини енгган ўзбек Аликул полвонни уйингга кузатиб қўясан", деб Мадамин дўстимга тайинлади.

Ҳа, шундай қилиб, ўлмасдан қайтиб келганим ўша Беломор канал қурилишидан. Аммо оғир ўпка касали орттириб келдим, узок яшамасам керак, — деб ҳикоясини яқунлаган эди амаким.

Тўғри, полвон амаким яна 20 йилча қалсалмад ҳолда яшаб, 1961 йилда 56 ёшида оламдан ўтди.

Рус пахлавони Иван Поддубнийни енгган ўзбек ўғлонининг фарзандларига Истиқлолни кўриш насиб этди ва улар бугун юртимиз равнақи йўлида фойдоилик билан меҳнат қилишмоқда.

Назар ТўРАЕВ

● ТАЪЛИМ

Мустақиллик йилларида кўплаб соҳалар қатори таълим тизимида ҳам туб ислохотлар қилинди. Хусусан, "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бўйича Қашқадарё вилоятида ҳам халқ таълими тизимида кўплаб самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Илғор педагогик
технологиялар

ТИЗИМДАГИ САМАРАДОРЛИКНИ ЯНАДА ОШИРАДИ

Вилоятда жами 1115 та мактаб, 354 та мактабгача таълим муассасалари, 16 та ихтисослаштирилган мактаблар, 44 та мактабдан ташқари таълим муассасаси, 4 та мактаб ва 2 та санатория типидagi мактаб интернати, 2 та меҳрибонлик уйи, 17 та болалар мусика санъати мактаби мавжуд. Ҳозир ушбу таълим-тарбия масканларида ўқувчи ва тарбияланувчилар сони 499 минг 430 нафарга етган.

— Мавжуд мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган 30164 нафар болажонлар вилоятдаги мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг 9,8 фоизини ташкил этади, — деди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Тўра Саидов. — Мактабгача таълим муассасаларида 2764 нафар педагог ходимлар таълим-тарбия ишлари билан шуғулланиб келмоқдалар. Халқ таълими вазирлиги ҳамда Жаҳон банки ҳамкорлигида амалга оширилаётган, мактаб таълимини ривожлантириш лойиҳасининг 2-компоненти доирасида мактабгача таълим йўналиши тарбиячилари учун 15 кунлик ўқув-семинари ташкил этилди. Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан "Болажон" таянч дастури бўйича тайёрланган қўлланмалар 154 та мактабгача таълим муассасаларига бепул тарқатилди. Вилоят тарбияланувчилари ўртада йил давомида "Шахмат кубоғи" ва "Миллий ўйинчоқлар" кўрик-танловлари, "Соғломжон-полвонжон", "Омод кубоғи", "Ширинтой-кичкитой" каби спорт мусобақалари ўтказилди.

Умумтаълим мактабларида хорижий тилларни ўқитишда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш тизим самарадорлигини янада ошириши шубҳасиз. Шу маънода, туман халқ таълими бошқармалари ва мактаб директорлари томонидан кўрсатилган амалий ва методик ёрдамлар, Олий ва ўрта-максус, Халқ таълими вазирлигининг қўшма йиғилишида қабул қилинган ҳайъат қарори энг аввало, таълим масканларида кимё ва биология фанларининг ДТС талаблари асосида ўқитилиши ва лаборатория машғулоти ўтказишда фан жиҳозла-

ридан фойдаланишнинг аҳоли, "Фуқаро муҳофазаси" ишларини янада жадаллаштириш масаласига қаратилган.

— Ўқитувчилар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги "Истеъдод" жамғармаси томонидан тайёрланган "Таълимда — инновация", "Тарбияда — инновация" қўлланмалари, Халқ таълими вазирлиги томонидан тайёрланган "Устоз ва шогирдга эслатма" методик тавсияси барча туман халқ таълими бўлими методика хонаси ҳамда ўқитувчиларга етказиб берилди, — дейди халқ таълими бошқармаси ахборот хизмати маркази бошлиғи Севин Очиллов. — 2010-2011 ўқув йилида узвийлаштирилган ўқув дастурини таълим жараёнига жорий этиш учун таълим маркази томонидан юборилган Давлат таълим стандарти ўқув дастурининг китоб ва электрон вариантни мактабларга етказилди. Бундан ташқари, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Мавжуд 1115 та мактабдан 922 таси Халқ таълими вазирлигининг "Zhuo-Net" ахборот таълим тармоғига уланган. Бу энг аввало, таълимдаги янгиликлардан хабардор бўлиш имконини беради.

Истиқлол йилларида нафақат таълим жараёни, балки тизимда қурилиш, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари ҳам ривож топди. Мактаб таълимини ривожлантириш мақсадида вилоятда бугунгача 117 та янги мактаблар қуриб фойдаланишга топширилган бўлса, 215 дан ортқ мактаблар реконструкция қилинди. Биргина жорий йилнинг ўзида 21 миллиард 858 миллион 600 минг сўмлик қурилиш-ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилган. Мухими, бунёд этилаётган мазкур таълим муассасаларида яратилган имкониятлар давлат стандартлари талабига тўла жавоб бериши билан бирга ўқувчи-ёшларни замон талаблари даражасида таълим-тарбия олишларини ҳам таъминлайди.

Шерзод ҚУРБОНОВ,
"Millyi tiklanish" мухбири

● ФАОЛИЯТ

Нон — улуг ризқ



Нон ҳар қачон ва ҳар ерда энг улуг ва азиз неъмат ҳисобланган. Қадимги Афинада новвойларга олтиндан хайкал қўйилганлигининг ўзиёқ бу фикрни исботлайди. Қолаверса, ҳадиси шарифда ҳам нон жаннатий неъмат экани таъкидланади. Халқимиз азал-азалдан бу бебаҳо неъматни эъзозлаб, увоғини ҳам кўзига суртиб келган. Шу боисми, халқимиз орасида "новвой-хона-пирхона" деган нақл юради.

Нуробод туманида фаолият юритаётган "Самарқанддон" акционерлик жамиятига қарашли "Нуробод WACHTEL" иссиқ нон цехида ҳам сифатли, қолипчи нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, аҳоли дастурхонига, туман тиббиёт бирилмаси, юқумли касалликлар шифохонаси, мактабгача таълим муассасаларига етказиб берилмоқда. Корхонага нон ташшига мўлжалланган "Дамас" русумли автомобил харид қилиниб, маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли етказиш таъминланапти.

— Маҳсулот ҳажминини ошириш, ички бозор эҳтиёжларини тўла қондириш, чет мамлакатлардан қулай ва замонавий техникаларни олиб кириш масалаларига асосий эътибор қаратдик — дейди цех бошлиғи Муҳиддин Болев. — Цехларимизда Германияда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар ўрнатилган. Корхонамизда бир кунда 3 тонна тўрт хилдаги қолипчи нон ишлаб чиқарилмоқда. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқараётган ушбу жамоа бугун истеъмол бозорига мустаҳкам ўрин эгаллаяпти. 2009 йилда ўз фаолиятини бошлаган корхонанинг иқтисодий таҳлиллари ҳам анчагина салмоқли. Кунига икки ярим миллион сўмлик пул тушумига эришилмоқда. Банк терминалларининг ўрнатилганлиги эса аҳолига янаям қулайлик туғдираяпти. Маҳсулотларни истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб беришда савдо шахобчалари, дўкунлар муҳим ўрин тутди. Шу мақсадда савдо дўкони ташкил этилиб, қандолатчилик маҳсулотлари сотуви ҳам йўлга қўйилди. Бу ерда меҳнат қилаётган 25 нафар ишчи ходимларнинг аксарияти касб-хунар коллежларини битирган ёшлардан иборат. Уларга Шодийер Исмоилов, Тўлкин Қурбонов сингари уста новвойлар касб сир-асрорларини ўргатишмоқда. Жўрабек Қурбонов, Баҳодир Шерматов, Комил Исмоилов, Ботир Жўраев сингари ёшлар ҳам моҳир новвойлардан ҳеч қолишмаяпти. Жамоа келажакда қандолатчилик цехини йўлга қўйиш, янги иш ўринлари яратишни мақсад қилган.

Нон азалдан тўқчилик, тўқинчилик рамзи бўлиб келган. Дастурхонимиздаги барака ва тўқинчилик таъминлашга муносиб улушини қўшиб келаётган нурободлик нон ишлаб чиқарувчилар жамоасини ғайрату шижоат тарқ этмаслигини тилаб қоламиз.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Millyi tiklanish" мухбири

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

● БИЗНИНГ ШАРҲ

Бугунги кунда мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтириш ва фаровонлигини оширувчи куч сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни айтиши мумкин. Бу борада АҚШда ҳам мазкур тармоқни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳар қадамдаги дўкон, маший хизмат кўрсатиш шахобчалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўзагини ташкил қилади. Таҳлилчиларнинг фикрича, мамлакатда яратилаётган янги иш ўринларининг 70 фоизи кичик бизнес ҳиссасига тўғри келади.

Кичик бизнес — иқтисодиётнинг двигателидир

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ЕТАКЧИ ЎРИНИ ЭГАЛЛАГАН АҚШ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИНИНГ ТЕНГ ЯРМИ КИЧИК БИЗНЕС ҲИССАСИГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ

АҚШда «иқтисодиётнинг таянч нуқтаси» ҳисобланмиш кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тамойили Буюк Турғунлик ва Иккинчи жаҳон уруши даврида пайдо бўлган. Турғунлик даврида зиён кўрган катта ва кичик корхоналарга қарз бериш мақсадида 1932 йилда Федерал дастур ишлаб чиқилди. Айнан ўша йилларда кичик бизнесга берилган катта эътибор туфайли иқтисодий аҳамиятга эга янги иш ўринлари яратилди. 1942 йилда эса кичик бизнес тараққиёти йўлида уларни молиялаштириш масаласи давлат миқёсида муҳокама қилинди. 1953 йил 30 июлда эса Конгресс кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган биринчи қонунни қабул қилди. Айнан ўша йили кичик бизнес ишлари бўйича маъмурият ташкил қилиниб, шу кунга қадар мазкур ташкилот ҳукумат тарихида федерал агентлик сифатида фаолият юритади. Агентлик ҳукумат даражасида кичик бизнес манфаатларини ҳимоя қилади. Бош қароргоҳи Вашингтонда жойлашган агентликнинг филиали йирик шаҳарларда фаолият юритади. Шу тарихда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш сиёсати нафақат иқтисодий марказларда, балки мамлакатнинг барча шаталарини қамраб олган. Унинг раҳбари президент томонидан тайинланиб, Сенат томонидан тасдиқланади.

— Биз кичик бизнес вакилларига капитал олиш учун ёрдам берамиз. Конгресс ва президент маъмурияти билан ҳамкорликда тадбиркорлар учун махсус дастурлар

ишлаб чиқарамиз, — дейди кичик бизнес ишлари бўйича маъмуриятнинг халқаро дастурлар раҳбари Жейн Бурман. — Шунингдек, сармоядорлар билан ҳам ишлаймиз, жумладан, уларнинг маблағларини қисман қайтаришни кафолатловчи дастуримиз бор. Кичик бизнес — иқтисодиётимизнинг двигателидир. Шу сабабли ҳам АҚШда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга ҳамisha катта эътибор ва аҳамият қаратиб келинади.

АҚШда кичик бизнес деярли «ноль»дан бошланади. Дастлаб кредит берилади, сўнг тадбиркорлар бепул ўқитилади. Бу мамлакатда 500 нафардан кам ходими бўлган корхона кичик бизнес, деб тан олинган. АҚШдаги нодавлат фирмаларининг 99 фоизи кичик бизнес ҳиссасига тўғри келади. Бироқ, уларнинг айримларини ташкил этишда давлат бевосита иштирок этишини ҳам эслатиб ўтиш керак. Таҳлилчиларнинг фикрича, глобал инқироз юз бергунга қадар ҳар йили АҚШда ўртача 500 мингдан ортиқ кичик корхона ташкил этилиб, тахминан шунча корхона фаолиятини тўхтатган. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли янги корхоналарнинг пайдо бўлишидан кўра, тугатилиши кўпайган. «Умуман олганда, — дейди маъмуриятнинг иқтисодий тараққиёт департаменти директори Чад Мотрей, кичик бизнес курашда давом этмоқда. Жаҳон иқтисодиётида катта ўрин эгаллайдиган АҚШ ялпи ички маҳсулотининг тенг ярми кичик бизнес ҳиссасига тўғри келади». Шарҳловчиларнинг фик-



рича, бир йилда кичик бизнес вакиллари 6 триллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқаради.

АҚШда тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тўртта (маблағ олиш, таълим олиш, давлат буюртмаларини қўлга кириштириш, судларда уларни ҳимоя қилиш) федерал дастурларнинг бажарилиши Конгресс томонидан кузатиб борилади, президент эса бир йилда бир марта «Кичик бизнес тўғрисида» махсус ҳисобот билан чиқади. Юристарга тўланадиган маблағлар қимматлиги туфайли кичик корхоналарнинг ўз ҳуқуқшунослари йўқ. Шу боис, кичик бизнес ишлари бўйича маъмурият ушбу тармоқ манфаатларини судда ҳимоя қилади.

АҚШ қонунлари бўйича давлат буюртмаларининг 23 фоизи кичик бизнес корхоналари ҳиссасига кўтариб келиниши шарт. Маълумки, жаҳонда маҳсулот ва хизмат кўрсатиш бўйича АҚШ энг йирик буюртмачи саналади. Айни шу ҳолатни Конгресс ўз назоратига олган. Бу борада Конгресс буюртмалар биринчи навбатда аёллар ва миллий озчиликни ташкил қилувчи аҳоли вакиллари томонидан ташкил этилган корхоналарга берилиши учун қайғуради. Мабодо, буюртма жуда катта бўлиб, кичик корхоналар буни удралай олмайдиган тақдирда ҳам Конгресс ўз ниятидан қайтмайди. Нима бўлганда ҳам буюртма кичик бизнес вакиллари томонидан бажарилишини таъминлайди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабатлар барча жабҳаларда, жумладан, сиёсий,

савдо-иқтисодий, кичик бизнес соҳаси, сармоявий, маданий-гуманитар каби қўллаб-йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани шу йил Тошкент ва Вашингтонда бўлиб ўтган Ўзбекистон ва АҚШ ишбилармон доираларининг анжуманида ҳам алоҳида таъкидланди. Ўзаро манфаатли ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган кенг қўламли маъмурият бўйича самарали мулоқотлар олиб борилаётди.

Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун яратилган қўлай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар, изчил давом этаётган хусусийлаштириш жараёни қўллаб-қувватлаш қатори АҚШ ишбилармонларининг ҳам юртимиз билан ҳамкорликка эътиборини кучайтираётди. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида имзоланган иқтисодиёт, савдо, сармоя, хаво трансporti, таълим каби соҳалардаги ҳамкорликка оид битимлар ўзаро муносабатни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Икки мамлакат ҳам улкан иқтисодий салоҳият ва тажрибага эга. АҚШнинг етакчи компаниялари мамлакатимиздаги корхоналар билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётди. Жумладан, жаҳон автомобил соҳасидаги етакчи компаниялардан бўлган «General Motors» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган «GM Uzbekistan» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобилларга бугун нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам талаб катта.

— Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари орасида етакчи ўринда туради, — деди АҚШ-Ўзбекистон савдо палатаси раиси, «Уайт энд Кейс ЭлЭлПи» юридик компанияси асосий ҳамтаъсисчиси Каролин Лэмм. — Президент Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатнинг иқтисодиётида амалга оширилаётган изчил ва кенг қўламли ислохотлар самарасида молиявий бўҳрон шароитида ялпи ички маҳсулот кўрсаткичларини юқори даражада сақлаб қолишга эришилди. Бу ибрат олга арзигulikдир. Ўзбекистонда чет эл сармоясини жалб этиш бўйича жуда самарали механизм шаклланиган, айниқса, диққатга сазовор.

Айтиш лозимки, мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган изчил сиёсат натижасида янги иш ўринлари яратилиб, аҳолининг фаровонлиги таъминланмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар эътибор ва шарт-шароитлар нақадар аҳамиятли эканини глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида яна бир қарра ўз тасдиғини топди. Буни жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда, Ўзбекистонда соҳада амалга оширилаётган кенг ислохотлар хорижда ҳам тадбиқ этилмоқда.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ

Сўнги мукофот

Иқтисод бўйича Нобель мукофоти соҳиблари эълон қилинди.

Швеция қироллиги фанлар академияси икки америкалик олим Томас Саржент ва Кристофер Симслар иқтисод бўйича 2011 йилги Нобель мукофотига сазовор бўлганини эълон қилди. Кузатувчиларнинг фикрича, олимлар томонидан ишлаб чиқилган макроиктисодий ўзгаришларнинг анализ қилиш йўллари келгусида ишсизлик, инфляция каби муаммоларни енгишга кўмак беради. 68 ёшда бўлган тендшо олимлар бу йўналишдаги тадқиқотларини бир-биридан мустақил равишда 1970-1980 йилларда олиб борган. Иқтисод бўйича мукофот ҳар йили тақдим қилинадиган Нобель мукофотининг сўнгисидир.



Финал учун махсус стадион

Киевда «Евро-2012» финал ўйини ўтказиладиган янги ўйингоҳ фойдаланишга топширилди.

Украина пойтахти Киевда Футбол бўйича 2012 йилги Европа чемпионати финал ўйинига мезбонлик қиладиган янги ўйингоҳ расман очилди. Маълумотларга кўра, мамлакат тарихидаги энг йирик стадион 60 минг томошабинга мўлжалланган. Эслатиб ўтамиз, «Евро 2012» ўйинлари Украина ва Польшанинг саккизта шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган. Финал ўйини эса Киевда 1 июль кунини ўтказилади.



Мураса йўли

Британия Бош вазири евроҳудудни мурасага қақирган.

Британия Бош вазири Дэвид Кэмерон Европа Иттифоқи етакчиларини иқтисодий бўҳроннинг олдини олиш йўлида жамоавий масъулиятни ўз зиммасига олиш ҳамда ҳал қилувчи қарорларни қабул қилишга қақирган. «Financial Times» нашрига берган интервьюсида Кэмерон Франция ва Германияни ўзаро қарама-қаршиликларни енгиш ҳамда вазиятни ҳал қилишга қаратилган режани йил охирига қадар ЕИГА тақдим қилиш лозимлигини айтган. Франция президенти Никола Саркози ва Германия канцлери Ангела Меркель эса ўзаро учрашувлардан сўнг евроҳудуддаги иқтисодий бўҳроннинг олдини олишга қаратилган режани шу ой якунига қадар тақдим этиш ниятида эканини билдирган.

Сайлов бўлиб ўтди

Дональд Туск яна Польша бош вазири бўлади.

Польша бош вазири Дональд Туск яқинда кунини ўтказилган парламент сайловида «Фукарлик платформаси» номли партия галаба қозонганини маълум қилган. Телевидение орқали чиқиш қилган Туск ўзи етакчилик қиладиган партия учун овоз берган сайловчиларга миннатдорлик билдирган. Дастлабки маълумотларга кўра, Туск бошчилигидаги партия сайловда 39,6 фоиз овоз олган. Собик бош вазир Ярослав Качинский бошчилигидаги «Қонун ва адолат» партияси эса сайловда 30 фоиз овоз олгани тахмин қилинмоқда. Сайловчиларнинг 10 фоиз овозини олишга муваффақ бўлган янги «Паликота ҳаракати» 3-ўринда бормоқда.




Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

Тарихчиларнинг тахминига кўра, илк кутубхона қадимги Шарқда пайдо бўлган. Янаям аниқроқ айтандан бўлса, Бобилдаги Ниппур ибодатхонасида топилган кутубхона, эрамизга қадар 2500 йилдаёқ фаолият юрита бошлаган. У инсоният тарихидаги энг биринчи кутубхона бўлиб, гил тахтачаларга ўйиб ёзилган битикларнинг йиғмасидан иборат бўлган. Айрим маълумотларга қараганда, Шарқнинг энг машҳур ва қадимги кутубхоналаридан бири Ниневияда, Оссурия подшоҳи Ашшурбанипал саройида жойлашган. Кутубхонанинг асосий қисмини юридик маълумотлар ташкил этган бўлиб, деярли ҳаммаси лой тахтачалари кўринишида бўлган.

● РАНГИН ДУНЁ

Ноёб китоблар хазинаси

ЭНГ ҚАДИМГИ КУТУБХОНА ОССУРИЯ ПОДШОҲИ АШШУРБАНИПАЛ САРОЙИДА ЖОЙЛАШГАН



яқшигина ривожланади. Ашшурбанипал кўрсатмаси билан сопол тахтачаларга битилган ўн минглаб тарихий, диний, илмий матнлар тўпланган.

Европалик қадимшунослар 1849-1854 йилларда Оссуриянинг тарихий Ниневия шаҳрини (ҳозирги Туркия ҳудудида) аниқлашади. Бу ерда олиб борилган қазимша ишлари чоғида эса Ашшурбанипалнинг улкан кутубхонаси — сопол тахтачаларга битилган турли хил матнлар топилди. Дунё олимлари мазкур ёзма ёдгорликлар туфайли ўша даврда Оссурияда илм-фан ва маданият равнақ топганини ушбу тарихий ашёлар воситасида билиб олишган.

қия ҳудудидаги Бергама шаҳри) бўлиб, у эрамиздан олдинги XII асрдан бошлаб юнонларнинг йирик иқтисодий ва маданий маркази сифатида танилган. Бу даврда мазкур ҳудудда илм-маданият ниҳоятда ривож топди. Машҳур табиб Клавдий Гален эрамизга қадар 129 йилда айнан шу шаҳарда туғилган. Бу ерда илк бор ёзув материаллари сифатида папирус ўрнида пергамент (ошланган тери) қўлланила бошланган.

Қадимги юнон тарихчилари ва табиатшуносларининг ёзишча, папирус камёб бўлганлиги, устига-устак фақат Нил соҳилларида ўсгани туфайли Гален эрамизга қадар 129 йилда айнан шу шаҳарда туғилган. Бу ерда илк бор ёзув материаллари сифатида папирус ўрнида пергамент (ошланган тери) қўлланила бошланган.

Қадимда илк кутубхоналар музейонларнинг (музей) бир қисми бўлган сир эмас. Тарихчиларнинг фикрича, эрамиздан аввалги III асрда яна-яна Птоломей I Сотер музейонга асос солган илк император ҳисобланади. Ўша даврда ҳамма империяни талон-тарож қилиш билан овора бўлган бир пайтда у илм-фан ривожига

алоҳида аҳамият бериб, «музейон», яъни «илҳом париси ошени» номли даргоҳларни бунёд этади. Ушунда Птоломейлар сулоласи томонидан тўққизта шундай даргоҳ қурилади. Шундан иккитаси илм билан боғлиқ бўлиб, уларда тарих ва астрономияга тааллуқли қурилма, ўқув қуроллари, китоблар, фил суюқлари, ноёб ҳайвон терилари сақланган ва ўрганилган. «Илҳом париси ошени»ни дунёдаги энг биринчи замонавий кутубхона дейиш ҳам мумкин. Негаки, бу каби масканлар бутун дунё олимларини, улғун инсонларни ўзига жалб этган, уларни шу ерга қорлаган. Птоломей I Искандария кутубхонасида ниҳоятда бебаҳо саналган китоблар тўпламини йиғиб, 700000 та ноёб қўлёзма сақланадиган йирик кутубхона барпо этган.

Дунёнинг улкан «хазиналар хазинаси» ҳисобланувчи Искандария кутубхонаси нафақат ўзининг китоблари билан машҳур бўлган, балки, буюк олимларнинг илмий ишлари ва кашфиётлари учун ўзига хос лаборатория вазифасини ҳам ўтар эди. Шунданми, у ерда турли хил соҳалар бўйича дунёни ҳайратга ёдгорликларнинг бари пергаментга битилган.

Қадимда илк кутубхоналар музейонларнинг (музей) бир қисми бўлган сир эмас. Тарихчиларнинг фикрича, эрамиздан аввалги III асрда яна-яна Птоломей I Сотер музейонга асос солган илк император ҳисобланади. Ўша даврда ҳамма империяни талон-тарож қилиш билан овора бўлган бир пайтда у илм-фан ривожига санъат асарлари машҳур кишилар томонидан сотиб олинган ва шу тарихда бой-бадавлат кишилар қадимги санъат асарларини ва тарихий ёдгорликларини тўплай бошлашган.

Рамзес II даврида ҳам салкам 20 000 та папирус қоғозига битилган қадимги тўпламлардан кенг фойдаланилган. Бироқ, антик даврдаги кутубхоналарнинг энг йириги Искандария кутубхонаси саналади. Қадимда этти муъжизанинг бири ҳисобланган Искандария кутубхонаси Миср ҳукумати, ЮНЕСКО ҳамда бир қанча давлатлар кўмағида қайта тикланди. 2002 йилда норвегиялик меъморлар ёрдамида кутубхонанинг янги биноси қуриб битказилган. 40 минг кв.м майдонга эгалланган кутубхонада қироат хонадан ташқари 8 млн. жилдик китоблар учун жавонлар, конференциялар зали, кўргазмалар хонаси, учта музей ҳамда илмий тадқиқотлар бўлими ўрин олган. Меъморлар кутубхонанинг антик даврдаги кўринишини сақлаб қолган ҳолда, 7 йил давомида тинмай изланишди. Улар кутубхона дарвозасига Ўртаер денгизидан топилган Птоломей I ning 12 метрлик ҳайкалини ўрнатиб, қадимги кутубхона аънасанасига содиқ қолган ҳолда гилдан битилган илмий ишлар, кашфиётлар жамланмасини ҳаминқадар тиклашга муваффақ бўлишди. Қолаверса, бу жой халқаро маданиятларнинг учрашув маркази сифатидаги аввалги мавқеини сақлаб қолган.

Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, «Milliy tiklanish» мухбири

КЎРГАЗМА ЗАЛЛАРИДА

Сеҳр ва нафосат олами

Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўргазмалар залида рангтаъсирчи рассомлар Искра Шин, Сайра Келтоева ва ҳайкалтарош Марина Бородинанинг шахсий кўргазмасига доир муҳокама бўлиб ўтди.

Унда рассомлар, устоз ва талабалар, ўқув юртлирининг профессор-ўқитувчилари, мухлислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Уч ижодкор аёл яратган асарларида акс этган нафосат ва гўзаллик олами, дунёнинг сир-синаот ва мўъжизалари, табиатнинг турфа ранглари, унинг англаб бўлмас оний чизгилари, табиат ва инсон уйғунлиги, ҳаёт фалсафаси кўргазма қатнашчиларини бефарқ қолдирмади.

Искра Шиннинг кўргазмага қўйган асарларида нафақат республикамиз сўлим табиати, балки, йил фасллари, умуман, табиат ўзгаришлари, унинг биз билмаган қирралари тасвирланган. — Табиат ҳар бир инсонда олижаноб ва пок туйғулари тарбиялайди. У бизни янада комил, оқил, кучли ва иродали бўлишга ундайди, — дейди И.Шин.

Рассом Сайра Келтоеванинг ишларида эса мафтункор шарқ аёллари, этнографик безаклар билан бойитилган шарқона қиёфалар тимсоли ёрқин рангларида тасвирланган. Ҳайкалтарош Марина Бородинанинг кўргазмага қўйилган "Бола портрети", "Моҳият", "Ҳолат" ва бошқа кўплаб асарлари томошабинни чуқур мулоҳаза юритишга чорлайди.

Давра суҳбатига сўз олган москвалик мухлис Вячеслав Ниязов, Камолитдин Бехзод номидagi Миллий рассомлик ва дизайн институтининг кафедра мудири Иброҳим Абдурахмонов, санъатшунос Людмила Кодзаева, ҳайкалтарош, Ўзбекистон халқ рассоми Анвар Раҳматуллаев ва бошқалар табиат манзараларига оид қатор асарлар, инсон ва табиат уйғунлиги, бири-бирига ўхшамайдиган ечимини топган ҳайкалтарошлик асарлари, ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос бадий услуби ҳақида фикр юритдилар.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

КЎЗГҮ

ИЛМ-ФАН



Қумлар қаъридаги кўҳна қалъалар

Икки азим дарё оралигида жойлашган бу кутлуг заминдан етишиб чиққан улуғ алломаларимиз, бобокалонларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Кўҳна Хоразмининг узоқ ўтмишига назар солсак, бепеён қум барханлари устида ҳамон қад кўтариб турган кўҳна қалъалар, буюк иншоотлар, меъморий обидалар минг йиллар оша воҳанинг қадим тарихидан сўзлаб тургандек, гўё.

ЎзРФА академик С.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти ва "Ботаника" ИИЧМ марказида узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган олим, биология фанлари доктори Каримжон Тойжонов ўзининг қирқ йиллик илмий фаолияти мобайнида кўплаб илмий экспедицияларга раҳбарлик қилган. У ҳали ҳам фаолиятдан тўхтамаган. Суҳбатимиз серқирра олимнинг ўз фаолияти, илмий экспедициялар, антик давр қалъалари ва ўсимликлар дунёсига оид кузатувлари ҳақида бўлди.

— **Гарчанд, сиз биолог олим бўлишингизга қарамай, та-**

рих ва элшуносликка оид кўплаб илмий мақолаларингиз матбуотда эълон қилинган. Бунинг қандай изоҳлайсиз?

— Эрта баҳордан то кеч кузгача давом этадиган экспедицияда ботаник мутахассис қадами турли жойлардан ўтади. Қаерда бўлмайин, кўпроқ китоб харид қиламан. Оилавий кутубхонамизда илмий ва бадий китоблардан тортиб, классик ва ҳозирги замон ёзувчию шоирларининг асарлари бор. Табобат илмига оид Розий, Ибн Сино, Беруний асарлари, Алишер Навоий "Ҳамса"си, бир қанча этнографик асарлар, кўп жиллик "Археология" ҳамда "Ўзбекистон" энциклопедиялари китобжавонимнинг туридан жой олган.

Экспедицияларда бўлган кезларимда (охирги бор 2006 йил бўлганда) қор ва ёмғирли кунларда чодир ичида узоқ вақт китоб мутолаа қилардим. Тарихга бўлган қизиқишим илмий ва оммавий мақолалар ёзишга ундади. Аҳмад Яссавий, Бобур каби тарихий шахслар ҳақидаги кўплаб мақолаларим шу тариқа ёзилган.

— **Ўрта Осиёнинг сарҳадсиз худудлари Помир-Олой, Тянь-Шань тоғларидан тортиб, бепеён қумли саҳролар — Устюрт, Қизилқум, ҳаттоки, Қорақумни ҳам қадам бақаддам кезиб чиққан инсон сифатида айтингчи, кўҳна қалъаларга дуч келганингизда ҳаёлингиздан нималар кечган?**

— Ҳамон кечагидай эсимда. Ўтган асрнинг 60-йилларида Устюрт, Қизилқумда илмий экспедицияларда бўлганимизда, бепеён қумлар бағрида қад ростлаб, харобага айланган антик ва ўрта асрлар даврида қурилган кўҳна қалъалар харобалари, қабристонларни кўриб ҳайратланганман. Улар бири-бирига уч-тўртта кўҳна қалъалар эмасди. Устозим И.Гранитовдан шу ҳақда сўраганимда, бир замонлар Амударё суви Каспий денгизига қуйилгани босиб бу ерлар обод бўлганини, кейинчалик дарё ўзани Оролга бурилган, аҳоли бошқа жойга кўчиб кетганини айтган эдилар. Ҳозир ҳам қадимий қалъалар — Бургут қалъа, Аёққалъа, Қирқ-

қиз қалъаси, Тупроққалъа, Қаватқалъа — Хоразмининг юксалган даври ёдгорлиги (XI-XIII асрлар), Кумбосган қалъа, Жонбосқалъа, Кат (фир) қалъа — қадимий пойтахт, Уйқалъа, Қизилқум, Қорақум ва Амударё этакларида ўтмишдан қолган ёдгорлик, тарих сир-синаотларини яширган ҳолда ҳамон мунгайиб турибди.

— **Ҳозирги кунда ўтмиш ёдгорликлари бўлмиш кўҳна қалъаларнинг тахминан қанча сақланиб қолган?**

— Хоразмга қилган илмий сафар чоғида ходимларимиз ўша даврда қадимий Хоразмининг кўҳна қалъалари — ҳозирги Қорақалпоғистоннинг Эликқалъа, Тўртқўл ва Беруний туманларида жойлашганини аниқлашди. Ўтган асрнинг 70-77 йилларида 253 та қалъа ёдгорлиги қайд этилган бўлса, аср охирига келиб улар орасидан 28 та обида харобаси сақланиб қолган. Афсуски, қолган харобалар собиқ тузум даврида ер билан текисланиб, пахта далагарига айланган юборилган.

— **Домла, биолог олим бўлганингиз учун гиёҳларнинг сир-синаотларини яхши биласиз. Қолаверса, сўнгги йилларда соҳада қандай янгиликлар қилинди? Якунда келгуси режаларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз?**

— Марказий Осиё худудида жами 8100 хил ўсимлик ўсади. Тоғларимизда эса 5500 ўсимлик турлари кенг тарқалган. Бу ўсимликлар орасида фойдали ва заҳарли турлари ҳам бор. Бундан минг йиллар аввал Розий, Ибн Сино, Беруний каби алломаларнинг асарларида қайд этилган доривор ўсимликлар қаторида Парпи (илмий номи Аконит) ўти ҳам тилга олинган. Парпи (Ўзбекистонда бу гиёҳнинг учта тури бор) асосан заҳарли бўлса-да, халқ табиотида самарали фойдаланиб келинади. Тянь-Шань ва Жунгор тоғларида тарқалган туридан кимёвий ва фармакологик тахлил асосида янги дори турлари ҳам яратилган бўлиб, ушбу препарат ҳозирда тиббиётда қўллаш учун тавсия этилган. Ҳозир ушбу препарат ижодкорлари Давлат мукофотига сазовор бўлишди. Янгиликларга келсак, Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Берунийнинг "Фармакогнозия" китоби асосида "Сайдана дурдонаси" номли монография (ҳаммуаллифликда) нашрга тайёрланиб, чоп этишга топширилди. Суҳбатимиз аввалида кўҳна қалъаларга тўхталган эдик. Албатта, бу борадаги изланишларимиз якунига етгани йўқ. Сабаби, юртимиздаги қадимий қалъаларнинг ҳар бири ўз тарихи, афсона ва ҳақиқатларига эга. Келгусида антик давр қалъаларига оид экспедицияларга чиқиш режада бор.

Суҳбатдош:
Марҳамат МАТВАФЕВА,
биология фанлари номзоди

ЎГИТ

Кишиларки, душман сўзин келтирур,
Улар душманингдан ёмонроқ эрур.

БИЛАСИЗМИ?

Муз ва айсберглар Ер юзининг 10 фоизга яқин худудини қамраб олган.

Шимолий кутбда бир йил давомида 186 кун қуёш чиққанини кўриб бўлмайди.

ТУРФА ОЛАМ

30 декабрдан воз кечилди

ТОКЕЛАУ ОРОЛЛАРИ (ТИНЧ ОКЕАНИ) ШУ ЙИЛНИНГ ДЕКАБРЬ ОЙИДАН ЯНГИ ВАҚТГА ЎТАДИ.

Бунинг учун маҳаллий ҳукумат декабрь ойидаги бир кундан воз кечишга мажбур бўлган. Шунга кўра, энди Токелау тақвимида 30 декабрь умуман кўрсатилмайди. Айтишларича, худуддаги аввалги вақт кўшни мамлакатлар ўртасидаги бизнес алоқаларга халал берган. Шу боис, маҳаллий ҳукумат ушбу ойнинг бир кунидан воз кечиш эвзига янги вақтга ўтишга қарор қилган.



Антиқа пайпоқ

УКРАИНАЛИК КАШФИЁТЧИ УЙҚУСИЗЛИҚДАН ХАЛОС ЭТУВЧИ АНТИҚА ПАЙПОҚ ИХТИРО ҚИЛДИ.

"Морфей"

кўринишдан оддий пайпоқдан сира фарқ қилмайди. Фақат унинг ичига микровибраторлар ўрнатилган, холос. Мазкур микровибраторлар инсоннинг нафас олишига қараб навбатма-навбат ишлайверади. Токи, бедорлик сизни тарқ этмагунча антиқа пайпоқлар аллалашда давом этади.

Энг қизиги, ушбу пайпоқни кийиб ётган инсон ухлаб қолган, микровибраторлар ўз-ўзидан ўчиб қолади. Шу боис, уни ўчирдимми йўқми, деган хавотирда ухлашга умуман ҳожат қолмайди.

Аччиқ таомлар танлови

ШОТЛАНДИЯДА АЧЧИҚ ҲИНД ТАОМЛАРИНИ ПАҚҚОС ТУШИРИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛДИ.

Бирок, танлов давомида бир нечта иштирокчининг мазаси қочиби, шифохонага тушиб қолган. Тўғри-да, аччиқ каррини кўп миқдорда истеъмол қилишни ҳамма ҳам эпловмайди. Шунга қарамай, танлов иштирокчилари осонгина енгилгани йўқ. Танлов якунига кўра, Беверли Жонс — биринчи, корейлик талаба Карри Ким эса иккинчи ўринга лойиқ қўрилган. Ташкилотчиларнинг айтишича, мазкур тадбирдан тушган хайрия маблағлари болалар шифохонасига ҳада этилар экан.



Электрокар пойгага шай

ҚУЁШ НУРИДА ИШЛОВЧИ ЭЛЕКТРОКАР АВСТРАЛИЯЛИК ТАЛАБАЛАР ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН.



Айтишларича, ушбу электрокарни ясаш учун талабалар икки йилча тер тўкишган. Соатига 89 километр йўлни боса оладиган Xenith электрокари айна кунларда барча синовлардан муваффақиятли ўтиб бўлган. Мазкур машина автопойга учун мўлжалланган. Шу боис, электрокар яқин орада Австралиянинг чека бир худудида ўтказиладиган World Solar Challenge автопойгасида қатнашиши кўзда тутилмоқда.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

ФОЛЬКЛОР

Миллий репертуарларимиз бойитилмоқда

Туманимизнинг Булоқбоши фуқаролар йиғинига қарашли Зарбулоқ қишлоғида фаолият кўрсатаётган "Моргузар садолари" ашула ва рақс халқ дастаси ўз репертуарларини йилдан йилга мақом, рақс, аския ва халқ ўйинлари билан бойитиб бормоқда. Масалан, "Човган", "Қулоқ чўзма" ва "Хаппак" — болалар ўйини бўлиб, удда-буронлик, чаққонлик ва жисмонан чиниқишга, от миниб чавандоз бўлишга ундайди. Зийраклик ва зукколикни оширади. "Пода лов-лов" ва "Беш кетди" миллий ўйинларининг ҳам рамзий маънолари бор. Унда ёшларнинг дастурхон ат-

рофида одоб сақлаб ўтириши ҳамда кексаларга ҳурмат-эҳтиромни ифодаланади. "Гаштак" — йигит жўраларининг, ога-иниларнинг йиғилиши, жонлиқ сўйиб базм қилишдир.

"Моргузар садолари" миллий ашула ва рақс халқ дастасида 18 нафар турли касб эгалари уюшган бўлиб, улар орасида шифокор ва педагог, ошпаз, тикувчи ва ишчилар ҳам бор. Улар ўзларининг ҳар бир чикишини маромига етказиб ижро этишга ҳаракат қилишяпти. Жумладан, "Ўзбекистоним", "Фарғона тоғ отгунча", "Топмадим" каби ашулалар мухлислар эътиборини қозониб келмоқда. Шунингдек,

Лалмикор кўргони, "Кўкбулоқ" фуқаролар йиғини ва туманда-ғи 26-мактабда ташкил этилган ашула ва рақс халқ дасталари фаолияти ҳам кўнгилдагидек. Улар ҳар йили Республика ва вилоят кўрик-танловларида қатнашиб фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Яқинда "Диёрим оҳанглари" вилоят фестивалида "Олтин бошқоқ" ансамблимиз жанрлар бўйича туманлараро энг кўп балл тўплаш имкониятига эга бўлишди. Айниқса, хонанда Мархабо Бегимқуллова, раққоса Зебо Солиева, лапарчи ашулалардан Умида Қурбонова ва Зебо Турабоеванинг ҳар бир

чиқиши ўзига хослик касб этди ва мухлислар эътиборини қозонди.

Кўшиқ — бу илоҳий кучга эга бўлган туйғу. Бу ҳар бир ижродидан завқ-шавқ билан меҳнат қилишни, ўз устида тинмай изланишни талаб этади. Жамоамиз ҳар бир аъзосининг юз-кўзларидаги қувонч, самимийлик уларнинг ҳаётдан мамнунликлари, эртанги кунга ишончлари мустаҳкамлигини кўрсатиб турибди.

Азамат ТУГАЛОВ,
Жиззах вилоят
Фаллаорол туман
маданият бўлими
бошлиғи

Кўшиқ — қалб қатмидаги қадрият. Томошабин унинг сеҳридан беҳишёр сел бўлиб, бутун вужуди билан оҳанглар оғушига синиб кетади. Хонанда гўё кўшиққа кўнгил кечинмаларини кўшиб айтаётгандек. У эл-юртга, она-Ватанга муҳаббат, инсонийлик, қадр-қиммат, яхшилик ва ҳалолликка ундайди, туйғуларимизни тарбиялайди. Уни тинглаб ўзимизни руҳан тетиқлашгандек ҳис қиламиз, кўнглимиз равшанлашади ва янада баракали меҳнат қилишимизга ундайди.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АХМЕДОВ, Фолибшер ЗИЯЕВ, Суван НАЖБИДДИНОВ, Мухаммаджон ҚУРОНОВ, Фабулжон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмаил ХУДОЕВОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОВ
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қроғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади. Газета Ўзбекистон Матбуот ва аборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г 1019, Адади — 3827
Набатчи муҳаррир: Эркин ДРОПОВ
Набатчи: Эргаш ХУЖАЕВ
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: milliy@sarkor.uz

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 3.20.